



ТРАНСЧЕГАРАВИЙ КИЧИК ДАРЁЛАР ВА КИЧИК ДАРЁЛАРНИНГ ТРАНСЧЕГАРАВИЙ СУВЛАРИ ТУШУНЧАЛАРИ

Каримов Нуриддин Қурбон ўғли

Қашқадарё вилояти Фавқуллода вазиятлар бошқармаси бўлим бошлиғи

Анотация: Ушбу мақолада Трансчегаравий кичик дарёлар ва кичик дарёларнинг трансчегаравий сувлари тушунчалари масалалари ёритилган.

Anatasia: This article covers the issues of the concepts of transboundary small rivers and transboundary waters of small rivers.

Калит сўзлар: Трансчегаравий кичик дарёлар, чучук сув захиралари, кичик дарёлар, трансчегаравий дарёлар, табиий географик шароитлар, ҳақорлик, сув хавфсизлиги.

Кириш:

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш шарт-шароитларида энг муҳим аҳамиятга эга бўлган вазифалардан бири мамлакатда сув хавфсизлигини таъминлашдир. Чунки, республикада сув ресурслари танқислигининг пайдо бўлиши, миллий манфаат ва хавфсизликка тўғридан-тўғри таҳдид сифатида қабул қилинади.

Ўзбекистон аҳолиси сони, саноатнинг қуввати ва қишлоқ хўжалигида суғориладиган ерлар майдонининг катталиги сабабли Марказий Осиё давлатлари орасида сув ресурсларига кўпроқ эҳтиёж сезадиган мамлакат ҳисобланади. Бундан ташқари, бугунги кунда минтақа давлатларида сув ресурсларининг нотекис тақсимланганлиги билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Бундай шароитда, Ўзбекистон Республикасида аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, турли саноат тармоқлари ва табиий экотизимнинг сувга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш масаласининг долзарблиги ошиб бормоқда. Ўз навбатида, республика иқтисодиётининг изчил ва барқарор ривожланиши барча тармоқлар ва аҳолини ўз вақтида, керакли ҳажмда ва сифатли сув ресурслари билан таъминлашга боғлиқдир. Марказий Осиё минтақасида сўнгги 30 йил ичида асосий эътибор ва ҳаракатлар Орол денгизи ҳавзасининг Амударё ва Сирдарё каби йирик трансчегаравий дарёларининг сув ресурсларини ҳамкорликда бошқариш ва фойдаланиш муаммоларини ечишга йўналтирилди. Бироқ, олиб борилган саъйи-ҳаракатларга қарамай, бугунги кунда бу масала ҳам тўлиқ тартибга келтирилмаган. Шундай экан шубҳасизки, минтақанинг Сирдарё ва Амударё ҳавзасидаги трансчегаравий кичик дарёларнинг сув ресурсларини қўшни республикалар билан ҳамкорликда бошқариш масаласи ўз-ўзидан долзарб ҳисобланади. Зеро, дарё ҳавзаси ягона бир тизим бўлиб, тизим элементлари (кичик дарёлар)га нисбатан антропоген (инсон) омилларнинг мавжудлиги қайсидир даражада оқимнинг қуйи қисмида ўз аксини топади.

Шу сабабли, минтақадаги трансчегаравий кичик дарёларнинг ҳолатини ўрганиш, уларнинг самарадорлик даражасини ошириш ҳамда уларнинг сув



ресурсларини ҳамкорликда бошқариш масаласи бугунги кун нуқтаи назаридан жараёнга бевосита ижобий таъсир этувчи омиллардан биридир.

Трансчегаравий кичик дарёлар ва кичик дарёларнинг трансчегаравий сувлари тушунчалари.

Сув билан боғлиқ масалалар ичида чучук сув захираларининг танқислиги асосий муаммо бўлиб, ер юзида аҳоли сонининг кескин ошиб бориши бу муаммони янада мураккаблаштирмоқда.

XX аср давомида дунё аҳолиси 1 млрд. Кишидан 7 млрд. кишига кўпайди. Шунга мувофиқ чучук сув захираларига бўлган эҳтиёж ҳам етти баробарга ошди. Маълумки, дунёда икки ёки бир неча давлатлар ўртасида умумий фойдаланиладиган 260 га яқин трансчегаравий дарё ҳавзалари мавжуд бўлиб, дунё аҳолисининг 40 фоизини ҳаётий манфаатлари ушбу дарё ҳавзалари билан чамбарчас боғлиқдир.

Давлатларнинг сув захиралари бўйича бир-бирига боғлиқлиги табиий омиллардан бири бўлиб, ўзаро сиёсий, ижтимоий-иқтисодий муносабатларда катта аҳамиятга эга. Чунки сув давлатларнинг барқарорлигини таъминлаб берувчи энг муҳим геоиқтисодий ва геостратегик захира бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли, кўпчилик давлатлар иқтисодиёти ва бошқа соҳаларининг барқарор ривожланиши бутун дунёдаги чучук сувларнинг тахминан 60 фоизини ташкил этадиган трансчегаравий дарёларнинг сув захираларига боғлиқ бўлганлиги учун-бу омил давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда катта аҳамиятга эга эканлигини айтиш мумкин.

Трансчегаравий (чегаравий) сув объектлари икки ёки ундан ортиқ давлатлар чегараларини кесиб ўтувчи, ер усти ва ер ости сув объектларидир.

Бироқ трансчегаравий сувлар бевосита катта ва кичик дарёлар, кўллар, сув омборлари, сойлар ва бошқа турдаги сув объектларини назарда тутати. Магистрлик диссертацияси предметида келиб чиқиб, мазкур сув объектларидан кичик дарёларга тўхталиб ўтамиз.

Соҳа мутахассислари олдида дарёларни турларга ажратиш зарурияти туғилганда, бевосита улар дарёларнинг гидрологик характеристикасидан келиб чиққан ҳолда катта, ўрта ва кичик дарёларга ажратишни таклиф қилишади.

Шундан келиб чиқиб, ҳозирги кунда илмий ва оммабоп адабиётларда, ижтимоий соҳадаги ҳамда ишлаб чиқариш тажрибаларида “кичик дарёлар” тушунчаси жуда кўп ишлатилади. Бироқ, “кичик дарёлар” тушунчасига берилган ягона таъриф мавжуд эмас. Баъзи адабиётларда ва илмий тадқиқот ишларида кичик дарёлар тушунчасига берилган таърифлар Марказий Осиёнинг географик жойлашиши ва муҳитидан келиб чиққанда, мавжуд кичик дарёларга тўғри келмаслиги мумкин. Чунки юқорида таъкидланганидек, давлатларнинг географик ўрни, мавжуд сув ресурслари ва захиралари, уни ташкил этувчи сув объектлари ва уларнинг жойлашишига кўра бир-биридан кескин фарқ қилувчи жиҳатлар мавжуддир. Қуйида баъзи хорижий ва маҳаллий адабиётларда кичик дарёларга берилган айрим таърифларни келтириш мақсадга мувофиқдир:

Тадқиқотчи олим С.Калесник раҳбарлигида нашр этилган “Энциклопедический словарь географических терминов” номли манбада



келтирилишича, кичик дарёлар – сув йиғиш майдони 1000-2000 км². бўлган текислик дарёларидир. Мазкур кичик дарёларнинг сув ресурслари иқлим шароитлари билан боғлиқ ҳолда шаклланади.

Марказий Осиё минтақасининг табиий географик шароитидан келиб чиқиб, нисбатан мос келиши мумкин бўлган таъриф тадқиқотчилар А.Черняев ҳамда Э.Сибукаевлар томонидан берилган бўлиб, унда кичик дарёлар – узунлиги 26 км.дан 100 км.гача, йиллик ўртача сув чиқими секундига 2-18 м³. бўлган, шунингдек ҳавза майдони 100-1000 км² атрофида бўлган сув объектлари тушунилади. Айни пайтда, кўпчилик олимлар дарёларни катта ва кичикка бўлиб ўрганишади. Уларнинг маълумотларида ўрта дарёлар учрамайди. Ер юзида мавжуд дарёларнинг асосий қисми кичик дарёлардир. Тадқиқот предметида келиб чиқиб, айрим кичик дарёларнинг сув ресурслари трансчегаравий аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида фикр билдиришдан олдин, трансчегаравий сувлар тушунчасига тўхталиб ўтамиз.

Трансчегаравий сувлар – икки давлат ўртасидаги чегарани кесиб ўтувчи ёки бундай чегараларда жойлашган, ҳар қандай ер усти ва ер ости сувларидир. Бундан келиб чиқадики, трансчегаравий кичик дарёлар деб-икки давлат ўртасидаги чегарани кесиб ўтувчи ёки бундай чегараларда жойлашган дарёларга айтилади.

Бироқ масаланинг яна бир жиҳати борки, бу ҳозирги кунда нафақат Марказий Осиё минтақасида балки жаҳонда кескинлашиб бораётган долзарб масалалардан биридир. Бу муаммо алоҳида мустақил давлат ҳудудида шаклланадиган ва жойлашган, бироқ трансчегаравий аҳамиятга молик бўлган йирик сув объектларини бевосита тўйинтириб турадиган кичик дарёлардан ҳамкорликда фойдаланиш масаласидир. Бу икки томонлама қараш мумкин бўлган вазият бўлиб, биринчидан суверен давлат ҳудудида жойлашганлиги уни трансчегаравий сув объектлари қаторига киритмасликдан далолат берса, иккинчидан агарда мазкур кичик дарёлар бевосита йирик трансчегаравий дарёларга қуйилиб уни тўйинтириб туриши ва мазкур кичик дарёларга нисбатан ҳар қанақа антропоген таъсир трансчегаравий дарёларнинг қуйи оқимида жойлашган давлатлар учун салбий таъсир этиши мумкинлигини инобатга олганда бундай сувлар трансчегаравий аҳамиятга эгалигидан далолат беради. Юқоридаги ёндашувлардан келиб чиқиб, тадқиқот ишида қуйидаги таърифлар илгари сурилди. Трансчегаравий кичик дарёлар - икки давлат ўртасидаги чегарани кесиб ўтувчи ёки бундай чегараларда жойлашган узунлиги 25-100 км.гача бўлган, ҳавза майдони 100-1000 км² бўлган кичик дарёлардир.

Кичик дарёларнинг трансчегаравий сувлари – давлатлараро чегараларни ексиб ўтказдан ёки чегараларида жойлашмасдан бироқ, йирик трансчегаравий сув объектларини шакиллантиришда бевосита таъсир кўрсатиуви кечик дарёларнинг сувларидир.

Демак, кўшни республика ҳудудида жойлашган ва давлатлар чегараларини дарёнинг ўзи кесиб ўтмаса, бироқ унинг сув ресурслари йирик артерияни тўйинтириб турса ва йирик артерия чегараларни кесиб ўтса мазкур кичик дарёларнинг сувлари трансчегаравий аҳамиятга эгадир. Шунингдек,



кўрсаткичлар юқорида қайд этилган ҳолда давлатлар чегарасини кесиб ўтса ёки жойлашса булар трансчегаравий кичк дарёлардир.

Кичик дарёлар худди кон томирлари сингари, бир нечта географик ҳудудлардан ўтиб йирик дарёларни тўйинтириб туради. Шунинг учун, кичик дарёлардаги бирор-бир салбий ўзгариш бутун ҳавза сув тизимига таъсир кўрсатади. Масалан, Орол ҳавзасининг йирик артерияси Амударёни шаклланишида унинг ирмоғи Вахш дарёсининг аҳамияти бекиёсдир. Хусусан, Вахш дарёсининг узунлиги 524 км² бўлиб, Тожикистон Республикасининг Олой тоғ тизмаларидан бошланади ҳамда асосан қор ва музликлардан тўйинувчи дарё ҳисобланади. Мавжуд маълумотларга кўра, Вахш дарёси ҳавзасида уни бевосита ва билвосита тўйинтириб турувчи 46 та кичик дарёлар жойлашган. Мазкур кичик дарёлар, Вахшнинг сув ресурсларини шаклланишида алоҳида аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, Пянж дарёсини 89 та, Кофиринигон дарёсини 12 та яқин, Сурхондарёни 27 та ҳамда Зарафшон дарёсини 42 та кичик дарё тўйинтириб туради.

Амударёни алоҳида эмас, балки аввало унинг ҳавзасида жойлашган сув объектларини инобатга олиш ва уларнинг мақомини белгилаш бугунги кун нуқтаи назаридан долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Яъни ҳавзадаги кичик дарёларнинг сув ресурслари ўзлаштирилиши бир томонлама амалга оширилиши мумкин эмас. Умуман олганда, бир ҳавзада жойлашган кўплаб кичик дарёлардан йиғилган сувлар ресурслари йирик артерияни шакллантирар экан, уларнинг алоҳида мақоми ишлаб чиқилиши ва минтақа давлатлари билан уларнинг сув ресурсларини ҳамкорликда бошқариш масаласини келишиб олиш муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса:

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкунки, кичик дарёлар ва трансчегаравий дарёларга берилган таърифлар ўрганилиб, улар асосида трансчегаравий кичик дарёлар ва кичик дарёларнинг трансчегаравий сувларига муаллиф томонидан алоҳида таъриф бериб ўтилди. Мазкур таъриф трансчегаравий кичик дарёлар-икки давлат ўртасидаги чегарани кесиб ўтувчи ёки бундай чегараларда жойлашган узунлиги 25-100 км.гача бўлган, ҳавза майдони 100-1000 км бўлган кичик дарёлардир.

Кичик дарёларнинг трансчегаравий сувлари - давлатлараро чегаралари кесиб ўтмасдан ёки чегараларида жойлашмасда бирор йириу трансчегаравий сув объектларни шакиллантиришда бевосита таъсир кўрсатувчи кичик дарёлардир- кўринишида акс эттирилди.

Фойдаланилган адабиятлар рўйхати:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Ўзбекистон, 2021 йил.
- Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик концепцияси. 1997 йил.
- Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни.1993 йил.



- “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун.
- “Халқаро ҳуқуқ ассоциацияси томонидан қабул қилинган халқаро аҳамиятга эга сувлардан фойдаланиш қоидалари”. Хельсинки. 1966 йил.
- 11. БМТнинг “Трансчегаравий сув оқимларини ва халқаро кўлларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги конвенция. Хельсинки, 1992 йил.
- “Давлатлараро сув манбаларини ишлатиш ва муҳофаза қилишни бирга бошқариш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида”ги Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон ўртасидаги битим. Олма-ота. 18.02.1992 йил.
- “Марказий Осиё давлат бошлиқларининг трансчегаравий сувлардан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишга тўғрисида”ги декларация. Олма-ота, 1997 йил.
- “Трансчегаравий миқёсда атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш бўйича” Конвенция. 1997 йил.
- “Марказий Осиё давлат раҳбарлари томонидан минтақа экологиясини яхшилаш, сув ресурслари ва атроф – табиий муҳитни бошқариш тўғрисида”ги декларация. Ашхобод. 1999 йил.
- Тожикистон Республикаси Сув Кодекси. ноябрь, 2000. 4-модда.
- Марказий Осиё давлат раҳбарлари томонидан Орол денгизини ижтимоий-иқтисодий, экологик аҳволини яхшилаш тўғрисида”ги декларация. Душанбе. 2002 йил.